

**АЛЛИТЕРАЦИЯ** — шеърий нуткда, кисман насрый асарларда бир хил товушлар тақорига асосланган фонетик-стилистик усул. Аллитерация унли ёки ундош товушлар иштирокида хосил бўлганлигига караб икки хилга ажратилади: вокал аллитерация унли товушлар хамоханглиги натижасида юзага келади; консонант аллитерация ундош товушлар уйгунлиги асосида хосил бўлади. Кадимги туркий адабиётда аллитерация етакчи тасвир усулларидан бири бўлган:

Жалвин аниңг кўзи Желкин аниңг ўзи Тўлун айин юзи Жарди менинг юрак.

Муаллиф севгилисини таърифляяпти: унинг кўзи киши (кўнглини) овлайдиган сехргардир, юзи тўлин ойдир. Караши билан у мени отиб, юрагимни ёрди.

Унин утти каклик, кулар катгура, кизил агзи кантаг, каши кабкара.

Немис, швед, киргиз, козок шеъриятида аллитерация таянч унсурлардан бири саналади.

У хозирги ўзбек шеъриятида хам тасвир воситаларидан бири сифатида кенг кўлланади.

Масалан:

Жаллод кўзлар, кааттол карашлар киличлардай яраклайдилар... О, бунчалар назокатлидир килич кўллар, килич коматлар!.. (Сирожиддин Сайид)

Баъзан бутун бошли шеър аллетеरация асосида яратилиши хам мумкин. Наманганлик шоир

Темурбек каламига мансуб куйидаги «Оймомо» шеъри шундай ёзилган:

Ойдиндаги ок оту Окшомдаги охуми Осмондаги Оймомо?

Ойдиндаги ок олма, Окшомдаги овлокми Осмондаги Оймомо?..